

Қонун ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш коррупциянинг олдини оладими?

2-бетда ўқинг

Инсон ва қонун

www.hudud24.uz

2022 йил 27 сентябрь
сешанба
№ 37 (1345)

www.hudud24.uz
insonvaqonun@adliya.uz
fb.com/hudud24official/
t.me/hudud24official/

hudud24
Endi 24 soat siz bilan!

- Энг сўнги хабарлар
- Ҳуқуқий маълумотлар
- Тахлилий мақолалар
- Мурожаатга жавоблар

Саёҳат — ташвишлардан йироқлаштирувчи, янгиликлар ва хурсандчилик улашувчи, турли техник ва технологик босимлар остидаги айни замона одамлари учун муҳим мотивацияни берувчи омилдир. Самарқанду Бухорога хориждан оқиб келувчи сайёҳларни кўрганмисиз? Уларнинг бир олам таассуроти руҳиятида энгиллик билан она юртига қайтишини-чи?

БУГҲН ХАЛҚАРО ТУРИЗМ КУНИ!

Бугун Халқаро туризм куни. 1970 йил 27 сентябрь куни Испаниянинг Торремолино шаҳрида Бутунжаҳон туризм ташкилотининг Устави қабул қилиниб, унинг Бош ассамблеяси томонидан мазкур санани Халқаро Туризм куни сифатида нишонлаш белгиланган.

Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг маълум қилишича, дунё ялпи ички маҳсулоти ҳажмининг ўндан бир қисми, халқаро инвестицияларнинг 11 фоиздан ортиги туризм ҳиссасига тўғри келади. Бутун дунё бўйича сайёҳлар оқими йилига 4-5 фоизга ўсмокда.

Ўзбекистонда эса айни пайтда ички туризмни яна ҳам ривожлантиришга ҳаракат қилинган. Меҳнатда машғул бўлган турли соҳа вакилларига юртимиз бўйлаб саёҳат уюштиришлари учун қулай шартлар яратилмокда. Мақсад — ҳар бир инсон ўзини сайёҳ сифатида ҳис қилиб, Она сайёрамининг гўзал, бетакрор табиати, маданий, тарихий ва табиий ёдгорликларини ўрганиши, уларни асраб-авайлашга ўз ҳиссасини қўйиши, турли урф-одатлар, анъаналар алмашинувини йўлга қўйишидир.



ҚОНУНЧИЛИККА ТАКЛИФ

Кейинги йилларда самарали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши натижасида миллий қонунчилик базаси янада такомиллаштирилмокда. Хусусан, ҳар бир соҳани тартибга солишга қаратилган қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинмокда.

Бизга тўғридан-тўғри АМАЛ ҚИЛАДИГАН ҚОНУНЛАР КЕРАК!



Ҳуқуқни қўллаш амалиёти эса муайян соҳага оид ижтимоий муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунлардан ташқари идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши охиб бораётганлиги, яъни "тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар" етарли даражада қабул қилинмаётганлигини кўрсатмокда.

Бу борада Президентимиз ҳам "қонун лойиҳаларини пухта ва ижтимоий муносабатларни тўғридан-тўғри тартибга соладиган даражада ишлаб чиқиш, айниқса, идоравий ҳужжатларни кескин қисқартириш зарур"лигини алоҳида таъкидлаб ўтган эди. Президентимизнинг 2018 йил 8 августдаги "Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги фармони билан тасдиқланган Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш Концепциясининг 1-йўналиш 7-бандида "тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни қабул қилишнинг самарали механизмларини жорий этиш" белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгашининг ва Олий Мажлис Сенати Кенгашининг 2019 йил 26 мартдаги қўшма қарори билан Тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларда тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонун ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш бўйича йўл харитаси тасдиқланди. Тизимлаштирилиши ва унификация қилиниши лозим бўлган қонунчилик ҳужжатлари ҳисобига 60 дан зиёд тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунларни парламентга киритиш кўзда тутилди.

ТУРИЗМ —

ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўрни демакдир

Қонунчиликка кўра, ички туризм соҳасида 2023 йил 31 декабргача кўриб чиқилган тартиб жорий этилган:

иш берувчининг туризм соҳасида фаолият кўрсатиш бўйича лицензияга эга субъектлардан ходимлар ва уларнинг оила аъзолари учун республика бўйлаб туристик йўлланмаларни сотиб олиш харажатлари ходимнинг даромади сифатида кўриб чиқилмайди ҳамда юридик шахсдан олинмаган фойда солигини ҳисоблаб чиқишда чегириб қилиниши лозим.

“Туризм — бу ҳам инвестиция, ҳам экспорт, ҳам янги иш ўринлари ва камбағалликни қисқартириш дегани. Шунинг учун ҳар бир ҳудудда бу соҳага жиддий эътибор қаратиб, кўпроқ сайёҳларни жалб этиш керак”, деди Шавкат Мирзиёев. 19 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президент шу ҳақда гапираркан, сайёҳлар учун қулайликларни кўпайтириш, соҳага оид тартибларни содда-лаштириш масалаларига алоҳида тўхталди.

Масалан, бугунги кунда меҳмонхона ташкил этиш учун 97 та талаб бор. Тадбиркорларнинг фикрлари инобатга олиниб, эндиликда, бу талаблар халқаро стандартлар асосида соддалаштирилади.

Сайёҳларни ички ишлар идораларида рўйхатга олиш тартибида ҳам ноқулайликлар бор. Хусусан, хориждан келган туристни меҳмонхона 2 кун ичида, қариндошиникида қолганда эса, унинг эгаси 3 кун ичида вақтинчалик рўйхатдан ўтказиши керак.

Ички ишлар вазирлигига бу тизимни таҳлил қилиб, ортқча чекловларни олиб ташлаш бўйича топшириқ берилди. Бунда хорижий туристларни вақтинчалик рўйхатга олиш ўрнига онлайн хабардор қилиш тартибига ўтилади.


Шерзод АБДУЛЛАЕВ,

“Адолат” миллий ҳуқуқий ахборот маркази масъул ходими

Давоми 8-бетда

Б И Л А С И З М И ?

ЮРТИМИЗДА аёлларнинг жамиятдаги ўрни янада мустаҳкамлаш, гендер тенгликни ва хотин-қизларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш, уларга имтиёзлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хотин-қизларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида турли соҳаларда, хусусан, меҳнат қонунчилигида ҳам уларга бир қатор ҳуқуқ ва имтиёзлар бериб келинмоқда.



ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ҲУҚУҚ ВА ИМТИЁЗЛАР

Президентимизнинг хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш тизимини янги босқичга кўтариш ва аёлларнинг жамиятдаги ўрни янада юксалтириш ва мустаҳкамлаш, шунингдек, уларнинг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш, оливайи зўравонликнинг олдини олиш, гендер тенгликни қарор топтиришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар юзасидан ўтказган видеоселектор йиғилишидаги нутқида ҳам 2022 йил 1 сентябрдан ҳусусий секторда расмий ишлаётган аёлларга ҳомиладорлик нафақасини давлат томонидан кафолатли тўлаб берадиган тизим яратилишини маълум қилганлиги мамлакатимиздаги барча хотин-қизларнинг бу борадаги ҳуқуқлари кафолатлини янада мустаҳкамлади. Шу кунга қадар ушбу ҳуқуқнинг амал қилиш кўлами Меҳнат қонунчилигида кўра нисбатан чегараланган ва кенгайтирилиши мақсада мувофиқ эди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 9 июндаги “Мутахассислиги бўйича камида беш йил меҳнат стажига эга бўлган хотин-қизларни давлат олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тартибини тасдиқлаш ҳақида”ги 322-сон қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, мутахассислиги бўйича камида 5 йил меҳнат стажига мавжуд, бироқ олий маълумотга эга бўлмаган хотин-қизлар давлат ОТМга алоҳида қабул параметрлари (жами 500 та квота) доирасида тўлов-контракт асосида ўқишга қабул қилинади. Бунда ўқишга қабул қилиш Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси тавсияномаси асосида амалга оширилади.

Бундан ташқари, 2019 йил 7 мартда “Хотин-қизларнинг Меҳнат ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида”ги Президент қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга кўра, аёллар меҳнатини муайян соҳа ёки касбларда қўллаш бўйича тақиқлар бекор қилиниши, тавсиявий характердаги аёллар соғлиғига салбий таъсир этиши мумкин бўлган соҳа ёки касблар рўйхати тасдиқланиши белгиланди.

Шунингдек, бола парвартиш тизимининг камида уч ойи ота томонидан фойдаланилган тақдирда, ота ёки онадан бирига Меҳнат кодексининг 234-моддаси тартибидида кўшимча бир ой нафақа тўланадиган бола парвартиш тизими берилиши назарда тутилди. Икки ёшга тўлмаган фарзандини тарбияловчи ота-оналарнинг бирига уларнинг иш вақтидаги дам олиш ва овқатланиш, болани овқатлантириш учун берилмаган танаффуслар ҳисобидан иш берувчи билан келишган ҳолда кун давомида фойдаланиладиган танаффус вақтини белгилаш ҳуқуқи берилди.

Қарорга мувофиқ, аёлларнинг пенсия ёшига тўлганлиги ёки қонун ҳужжатларида мувофиқ ёшга доир давлат пенсиясини олиш ҳуқуқи вужудга келганлиги сабабли улар билан тузилган ноумойян муддатли меҳнат шартномасини 60 ёшга тўлгунча қадар ёки муддатли меҳнат шартномасини муддати тугагунга қадар иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилиш тақиқланди.

Шунингдек, эркак ва аёллар ҳуқуқлари тенглигининг бузилиши билан боғлиқ ишларнинг судларда кўриб чиқилишида аёлларга адвокатлар томонидан кўрсатилмаган юридик хизмат учун ҳақ уларнинг хоҳишига кўра давлат ҳисобидан қопланиши белгиланган.

Зарина АБДУРАШИДОВА,
Тошкент туман юридик кўрсатиш маркази
бош юрисконсулти

Аммо коррупциявий ҳуқуқ-бузарлик сабабларига айнан бир восита ёки усул орқали ечим бериш имконсиз. У давлат бошқарувининг барча тармоқларини қамраб оладиган комплекс воситаларни талаб қилади. Коррупцияни олдини олишнинг самарали профилактик воситаларидан бири эса, шубҳасиз, қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизаси саналади. Бинобарин, “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 19-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизасини ташкил этиш давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларида коррупциянинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардан бири сифатида эътироф этилган.

Амалдаги қонунчиликда берилган таърифа кўра, коррупцияга қарши экспертиза норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларида коррупциявий омиллари аниқлаш, аниқланган коррупциявий омиллари бартараф этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиш ва чоралар кўришга йўналтирилган чора-тадбирлар мажмуи ҳисобланади.

Ўзбекистонда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш фаолияти 2006 йилда бошланган бўлиб, унинг шаклланиш тарихини шартли равишда бир неча даврларга бўлиш мумкин.

Жумладан, 2006–2009 йилларда Иқтисодий тадқиқотлар марказида БМТнинг Тараққиёт дастури кўмағида коррупцияга қарши экспертиза методлари таянган бир қатор тадқиқотлар коррупцияга қарши экспертиза методларига таянган бир қатор тадқиқотлар ўтказилди. Ушбу тадқиқотларда хусусийлаштириш, улгуржи ва чакана савдо, ташқи савдо операциялари, банк хизматлари, техник жиҳатдан тартибга солиш ҳамда давлат харидлари ва солиқ қонунчилигини тартибга солуви ҳужжатлар ўрганилди. Мазкур фаолиятнинг ҳуқуқий асосларини яратиш учун 2011 йилда дастлабки қадамлар қўйилиб, Адлия вазирлиги томонидан махсус методика ишлаб чиқилди. Унинг асосида 2015 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш услубиёти қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, ушбу даврда қонунчилик ҳужжатларининг коррупцияга қарши экспертизаси мустақил жараён сифатида эмас балки ҳуқуқий экспертиза доирасида ўтказиб келинган, коррупциявий омиллар турлари тўлиқ ёритилмаган ҳамда экспертизани ўтказиш юридик соҳа вакили бўлмаган шахслар учун маълум қийинчиликларни вужудга келтирган. 2021 йилга келиб, янги тахрирда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар” тўғрисидаги қонуннинг 25-моддасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари ҳуқуқий экспертиза билан бир қаторда коррупцияга қарши экспертизадан ҳам ўтказилиши шартлиги тўғрисида қатъий норма белгиланди. Шу йилнинг ўзида, “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг

СЎНГИ беш йилликда мамлакатимизда иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳадаги коррупциявий омиллари бартараф этишга қаратилган 80 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди. Шунингдек, давлат бошқарувида жамоатчилик назоратини самарали амалга ошириш учун зарур шарт-шароит яратилди, мансабдор шахсларнинг аҳоли олдидаги ҳисобдорлиги йўлга қўйилди.



коррупцияга қарши экспертизасини ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низом қабул қилинди. Мазкур Низом коррупциявий омиллари аниқлаш бўйича услубиёт ва 4 та йўналишдаги 23 хил коррупциявий омилдан иборат намунавий саволнома – чеклистни ўз ичига олган. Бунда ҳар бир омиллар бўйича келтирилган аниқ мисоллар ёрдамида барча шахслар

қонунчилик ҳужжатларида коррупциявий нормаларни аниқлай олиши мумкин.

Қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимининг ривожланиши

Президентимизнинг 2021 йил 22 октябрда қабул қилинган “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг қабул қилиниши билан янги босқичга кирди. Айни қарор билан жорий қилинган тизимга мувофиқ, илк бор амалдаги қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш амалиёти йўлга қўйилди. Натижада 2021 йилнинг ўзида Адлия вазирлиги томонидан тегишли вазирлик ва идоралар билан биргаликда аҳоли ва тадбиркорлик субъектларининг кундалик ҳаётини тартибга солуви 800 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилди. Мазкур ҳужжатларнинг 224 тасида ёки 28 фоизда 650 дан ортиқ коррупциявий омиллари аниқланди ва уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Бу борадаги ишларни тизимли равишда амалдаги барча қонунчилик ҳужжатларини (жами 21 мингдан ортиқ) коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш режа-жадвали юқоридидаги қарор билан тасдиқланди. Унга кўра, биргина жорий йилнинг ўзида ижтимоий ҳимоя, банк ва молия, тадбиркорлик ва божхона соҳаларига оид 1 минг 800 дан ортиқ қонунчилик ҳужжатлари коррупцияга қарши экспертизадан ўтказилади. Бунга зарур бўлган барча чора-тадбир-

ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИНИ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЭКСПЕРТИЗАДАН ЎТКАЗИШ КОРРУПЦИЯНИНГ ОЛДИНИ ОЛАДИМИ?

лар Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 26 мартдаги “2022 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан белгилаб берилди. Адлия вазирлигига эса давлат органлари ва ташкилотларининг қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга услубий ёрдам кўрсатиш вазифаси юклатилди.

Бундан ташқари, хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибасидан келиб чиқиб коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш жараёнларига жамоатчилик, илмий ташкилотлар ва мустақил экспертларни кенг жалб қилишнинг ҳуқуқий асослари ҳам яратилди. Эндилликда мазкур соҳага қизиқиш билдирган шахслар Адлия вазирлиги томонидан юритиладиган Қонунчилик ҳужжатлари ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича экспертлар реестрига киритилиб, мустақил ёки илмий эксперт сифатида фаолият юритишлари мумкин. Бунда уларнинг қонунчилик ҳужжатларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш бўйича хулосалари давлат органлари ва ташкилотлари томонидан мажбурий кўриб чиқилади.

Хулоса сифатида шунини айтиш мумкинки, бугунги кунда юртимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши муросасиз курашишда қонунчилик ҳужжатлари ва уларнинг лойиҳаларини коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш тизимининг халқаро стандартларга асосланган барча самарали механизмлари жорий қилинмоқда.

Бобурбек САИДБЕКОВ,
Адлия вазирлиги масъул ходими

ТОШКЕНТ



ФУҚАРО Флора Кимнинг Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Мирзо Улугбек туман бўлимининг 2017 йил 12 мартдаги 433-сон қароридан норози бўлиб, туман адлия бўлимига қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

ИНОБАТГА ОЛИНМАГАН
СТАЖ ПЕНСИЯ ҲИСОБЛАШДА
ҚЎШИЛАДИГАН БЎЛДИ

Ўрганиш натижалари асосида туман адлия бўлими томонидан унинг манфаатларини кўзлаб, юқоридаги қарорни ҳақиқий эмас деб топиш ва ишлаган даврини умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисоблаш мажбуриятини юклаш ҳақида Тошкент туманлараро маъмурий судига даъво ариза киритилди.

Пировардида суднинг 2022 йил 18 августдаги ҳал қилув қарори билан адлия бўлимининг даъвоси қаноатлантирилди. Яъни, Молия вазирлиги ҳузурдаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Мирзо Улугбек тумани бўлими зиммасига Флора Кимнинг 1981 йил 1 апрелдан 1983 йил 1 сентябргача "Политотдел", 1989 йил 1 декабрдан 1990 йил 10 декабргача "Таш ПЕТ хозирчилик ва водоснабжения", 1990 йил 11 декабрдан 1993 йил 3 мартгача "Ташкентского межрайонного объединения Ташоблагропрома" ва 2003 йил 1 январдан 2004 йил 31 декабргача "ЧП Агромаштабминот" корхона ҳамда ташкилотларида ишлаган даврини умумий иш стажига қўшиб ҳисоблаш мажбурияти юклатилди.

Аброр БЕРДИЕВ,
Мирзо Улугбек туман адлия
бўлими етакчи маслаҳатчиси

ТОШКЕНТ

Бундан 3 йил муқаддам – 2019 йилда Паркент шаҳрининг бош режаси амалга оширилиши муносабати билан туманинг "Гулбоғ" маҳалласида жойлашган, фуқаро О. Бегалиевнинг автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси ер майдони ва бино-иншоотлари давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун олиб қўйилган. Аммо бунинг учун тегишли компенсация тўлаб берилмаган. Бинобарин, О. Бегалиев туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, етказилган зарарни ундиришда амалий ёрдам сўраган.

МУЛҚДОР
МУРОЖААТИ ИЖОБИЙ
ЕЧИМ ТОПДИ

Мурожаатни ўрганиш давомида О. Бегалиевга қарашли автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаси бузилиб, Паркент туман ҳокимининг 2020 йил 30 декабрдаги 1733-сонли қарорига мувофиқ расмийлаштириб қўйилганлиги маълум бўлди. Янада аниқроғи, О. Бегалиевга 104 млн. 845 минг сўм миқдорда моддий зарар етказилган.

Фуқаролик кодексининг 164-моддасида "Мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасаруф этиш, шунингдек ўзининг мулк ҳуқуқини ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир. Мулк ҳуқуқи муддатсиздир" деб белгиланган. Шунга биноан, адлия бўлими томонидан О. Бегалиевнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича Юқоричирик туманлараро судига даъво ариза киритилди. Суд томонидан Паркент туман ҳокимлигидан мулкдорга етказилган моддий зарарни компенсация тариқасида ундириш юзасидан ҳал қилув қарори қабул қилиниб, даъво ариза қаноатлантирилди.

Мирбунёд МИРҲОМИДОВ,
Паркент туман адлия бўлими етакчи
маслаҳатчиси

НАМАНГАН



МИНГБУЛОҚ туманининг "Уюрчи-Дамқўл" маҳалласида яшовчи фуқаро Н. Бозорова туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, ҳудуддаги 22-сонли умумтаълим мактабида "Тарих" фанидан дарс беришини, 1991 йилда республика фан олимпиадасида голибликни қўлга киритганлиги муносабати билан ойлик иш ҳақига нисбатан тўланиши лозим бўлган 100 фоизлик устама ҳақи тўланмаётганлигидан норозилигини билдириб, амалий ёрдам сўраган.

ЯНА УСТАМА
МУАММОСИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 3 майдаги "Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуқсиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан республика фан олимпиадаси голиби бўлган ходимларнинг ойлик иш ҳақларига 100 фоиз устама тўланиши белгиланган. Аммо мурожаатни ўрганиш мобайнида юқоридаги қарор қабул қилинганидан буён 2022 йил март ойига қадар Н. Бозоровага бундай устама тўланмаганлиги аниқланди. Туман адлия бўлими томонидан ушбу қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш юзасидан туман халқ таълими бўлимига тақдимнома киритилди. Натижада муаллимага жами 87 миллион 644 минг 741 сўм миқдорда устама тўлови ундириб берилди.

Ҳалимжон ҚОБИЛОВ,
Мингбулоқ туман адлия бўлими
бошлиғи вазифини бажарувчи

НАВОИЙ



ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2022 йил 1 мартдаги Фармонида асосан тумандаги маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари ҳамда оила ва хотин-қизлар масалалари бўйича мутахассис лавозими қисқартирилганлиги бўйича уларга қўшимча кафолатлар берилиши аҳволи Нурота туман адлия бўлими томонидан ўрганилди.

ҲАМ ИШСИЗ, ҲАМ ПУЛСИЗ
ҚОЛГАН ЎРИНБОСАРЛАР

Меҳнат кодексининг 67-моддасида меҳнат шартномаси технолоғиядаги, ишлаб қилиш ва меҳнатни ташкил этишдаги ўзгаришлар, ходимлар сони (штати) ёки иш хусусиятининг ўзгаришига олиб келган ишлар ҳажмининг қисқарганлиги ёхуд корхонанинг тугатилганлиги сабабли бекор қилинганда, меҳнат шартномаси бекор қилинган кундан бошлаб ўттиз календарь кун мобайнида маҳаллий меҳнат органида иш қидираётган шахс сифатида рўйхатдан ўтса, маҳаллий меҳнат органи берган маълумотномага биноан учинчи ой учун ҳам олдинги иш жойидан ўртача иш ҳақи олиш ҳуқуқига эга эканлиги кўрсатилган.

Бирок, ўтказилган ўрганиш давомида маҳалла раисининг оила, хотин-қизлар ва ижтимоий-маънавий масалалар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Г. Раҳимова, З. Шокирова, Х. Тошпўлатова, З. Файзуллаева, Д. Файзиёва, Г. Ҳолиқулова, Г. Азимова, Г. Ҳўжамқулова, А. Раҳимоваларга 38 миллион 394 минг сўмлик иш ҳақи Меҳнат кодексининг юқорида қайд этилган моддасига зид равишда тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Мазкур ҳолат юзасидан туман маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бўлимига тақдимнома киритилиб, пул маблағлари тўлаб берилиши таъминланди.

Умид СУВОНОВ,
Нурота туман адлия бўлими бошлиғи

СИРДАРЁ

Кутубхоначилар
кутган
ҚЎШИМЧА ҲАҚ
тўлаб берилди

СИРДАРЁ вилоят адлия бошқармаси томонидан Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги "Халқ таълими ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартларини тартибга солиш тўғрисида"ги қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари"нинг ижроси юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг жараёнида 2020 йилда мактаблар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар кутубхоначиларига Мирзаобод туман халқ таълими бўлими томонидан 21 миллион 768 минг 120 сўм, Оқолтин туман халқ таълими бўлими томонидан 11 миллион 880 минг 554 сўм қўшимча устама пуллари тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Ваҳоланки, Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 29 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган "Халқ таълими муассасаларининг қўшимча ҳақ тўланадиган ходимларининг лавозимлари рўйхати, қўшимча ҳақнинг турлари ва миқдорлари"нинг 23-бандига кўра, мактаб-

лар, барча тур ва номдаги мактаб-интернатлар, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари кутубхоначиларига ёки бошқа ходимларга дарсликларнинг кутубхона фонди билан шўғулланганликлари учун меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 3,6 фоизи миқдоридан қўшимча ҳақ тўланиши ҳамда кейинги ҳар бир 1 минг 500 нусха дарсликлар учун 5 фоиз, бироқ меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 10,6 фоизи миқдоридан кўп бўлмаган қўшимча ҳақ тўланиши белгиланган.

Шунга кўра, адлия бошқармаси томонидан мазкур қонунбузилиш ҳолатини бартараф этиш

юзасидан Мирзаобод ҳамда Оқолтин туман халқ таълими бўлимларига тақдимнома киритилди.

Қўрилган таъсир чорасига асосан, ўз хизмат вазифини масъулиятсизлик билан ёндашган масъул ходимларга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди. Шунингдек, Мирзаобод туман халқ таълими бўлими тизимида фаолият юритган 27 нафар кутубхоначи ҳамда Оқолтин туман умумтаълим мактабларининг 20 нафар кутубхоначисига қолиб кетган қўшимча ҳақ тўланиши таъминланди.

Тўлқин ТУРДИБЕКОВ,
Сирдарё вилоят адлия
бошқармаси масъул
ходими

ШУ йилнинг 22 сентябрь куни Президентимизнинг “Ипотека кредитидан фойдаланишда аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.



СУБСИДИЯ АСОСИДАГИ УЙ-ЖОЙ КРЕДИТИ

УЧУН ЙЎНАЛТИРИЛГАН МАБЛАҒДАН ДАРОМАД СОЛИГИ ОЛИНМАЙДИ

Мазкур қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан уй-жой учун субсидия берилган фуқароларнинг ипотека кредитлари ва уларнинг фоизлари учун йўналтирилган иш ҳақи ва бошқа даромадлари даромад солиғига тортилмайди. Мазкур имтиёз қарз олувчи ва бирга қарз олувчилар даромадини бир солиқ даврида меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 80 бараваридан ошмаган қисмига татбиқ этилади.

2023 йилдан ипотека кредити эвазига харид қилинган мол-мулк олинган санадан бошлаб 36 ой ичида қайта сотилса, кредит ва фоизлар учун йўналтирилган даромад солиққа тортилади.

Бундан ташқари, 2022 йил 1 ноябрдан “қоробка” ҳолатдаги уй-жойлар учун ипотека кредитлари ҳамда субсидия ажратишга рухсат берилади.

Қарор билан 2021 йилда берилган субсидия ажратиш тўғрисидаги хабарномаларнинг амал қилиш мuddати 2022 йил 31 декабргача узайтирилди. “Ўзбекистон ипотекани қайта молиялаштириш компанияси” АЖга банклар томонидан аҳолига берилган ипотека кредитларини қайта молиялаштириш учун 3 йил мuddатга 12 фоиз ставкада ва фоиз тўловларини ҳар 6 ойда тўлаш шarti билан 300 миллиард сўмгача бюджет сусудаси ажратилади. Шунингдек, уй-жойлар ва ипотека кредит олишда фуқароларга қўшимча қулайликлар яратиш учун вилоятлар марказларида ипотека марказлари ташкил этилади.

Санжар МИРЗАБАЕВ,
 фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманларо суди судьяси

Давлат хизматларини олиш осонлашди

Давлат хизматлари департаменти томонидан юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган хизматлар кўлами тобора кенгайиб, сифат жиҳатидан такомиллашиб бормоқда. Жумладан, департамент орқали эндиликда нафақат тадбиркорлик, лицензиялаш ва маълумотномалар бериш, балки ижтимоий, ФХДЁ, нотариал, спорт, ички ишлар, экология, уй-жой коммунал ва бошқа соҳаларда давлат хизматлари кўрсатилмоқда. Илгари мавжуд бўлган бюрократик тўсиқ ва сарсонгарчиликларга барҳам берилди. Хусусан, давлат хизматлари марказлари орқали фуқароларга кўрсатиладиган давлат хизматлари сони 2021 йил 1 чораги ҳолатига кўра 154 тани ташкил қилиб, ўтган давр мобайнида аҳолига қарийб 26 миллиондан ортиқ давлат хизматлари кўрсатилган.

Бундан ташқари, Давлат хизматлари департаменти ҳузурида давлат Ахборот хизматларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Ушбу Марказ аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига ҳуқуқий масалалар бўйича бепул маслаҳат ва тушунтиришлар бериш, мурожаатларни қабул қилиш ва уларни тегишлилиги бўйича идоравий алоқа марказларига йўналтириш каби вазифаларни бажаради.

2021 йил 1 июндан бошлаб фуқаролардан 18 турдаги маълумотнома (ҳужжатларни) талаб қилиш бекор қилинди ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари жисмоний шахсларга давлат хизматларини кўрсатишда, ишга қабул қилиш ва бошқа маъмурий тартиб-таомилларни амалга оширишда мазкур ҳужжат ва маълумотларни мустақил равишда, шу жумладан, “Электрон ҳуқумат” тизими идоралараро интеграциялашув платформаси орқали олиши белгиланди.

Жамоатчилик муҳокамаси фаоллашди

Бугунги кунда норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг жамоатчилик муҳокамаси 2015 йилнинг январь ойидан бошлаб ишга туширилган www.regulation.uz веб-сайти орқали амалга оширилмоқда ва эндиликда ушбу электрон портал Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалар портали деб номланмоқда.

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари жамоатчилик муҳокамаси ҳорижий давлатларда ижобий апробациядан ўтган қонунчилик ҳужжатларининг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг муҳим таркибий қисми сифатида кўрилади ҳамда у жамият аъзоларига тегишли масалалар бўйича ўз муносабатларини билдириш имконини яратади. Қонунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолаш деганда маълум бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатни қабул қилиш қанчалик асосли ва зарур эканлигини,

БУГУН давлат органларининг аҳолига хизмат кўрсатиш даражаси янги босқичга кўтарилди ва аҳоли давлатнинг норма ижодкорлиги фаолиятида, хусусан, қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқишда фаол иштирок эта бошлади.



ДАВЛАТ ОРГАНИ ВА ФУҚАРО: Муносабатлар яқинлашдими?

қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари ва қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ижобий ва салбий таъсирлари қандай бўлиши ҳақидаги ижтимоий-иқтисодий тадқиқот тушунилади.

Бизнинг мамлакатимизда ҳам қонунчиликнинг тартибга солиш таъсирини баҳолашнинг тўлақонли тизimini жорий қилишга йўналтирилган ишлар қаторида норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларининг муҳокамаси такомиллаштирилмоқда. Қонунчиликка кўра, жамоатчилик муҳокамасидан ўтмаган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари қабул қилувчи органлар томонидан мажбурий тартибда ишлаб чиқувчиларга қайтарилиши шартлиги белгилаб қўйилди.

Бу борада, Асосий қонунимизга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ва уларнинг муҳокамасини алоҳида эътироф этиш керак. Лойиҳа орқали Конституцияимизнинг 64 та моддасига 200 дан ортиқ ўзгартишлар киритиш ҳамда 16 та нормани ўз ичига олган 6 та янги модда қўшиш тақлиф этилмоқда. Халқимиз томонидан, Конституциявий комиссияга кўплаб тақлифлар келиб тушганлиги фуқароларнинг фаол позициясидан бир далолатдир.

Ҳуқуқий давлатда амалга ошириладиган ислохотларнинг асосий мақсади жамият аъзоларининг қонуний манфаатларини таъминлашдир. Ушбу йўлда давлат ва халқнинг ўзаро ишончи ва масъуллиги муҳимдир.

Сабоҳат СУЛТАНОВА,
 Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси

Саволларга Тошкент давлат юридик университети ўқитувчиси Асал ЖҰРАЕВА жавоб берди.

СЎРАГАН ЭДИНГИЗ...

Қарзни тилхат билан ундира оламими?

– Бир танишим оилавий шароитини айтиб, катта миқдорда қарз олган эди. Лекин қарзнинг бир қисmini бериб, катта миқдорини қайтармапти. Пул олаётганда тилхат ёздириб олгандим. Тилхат билан қарзни ундирсам бўладими?



– Ҳа, тилхат билан қарзни ундиришнинг имкони бор. Фуқаролик кодексининг 733-моддасига кўра, фуқаролар ўртасида қарз шартномаси, агар бу қарзнинг суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг ўн бараваридан ортиқ бўлса, оддий ёзма шаклда тузилиши шарт. Шартномадаги тарафлардан бири юридик шахс бўлганда эса суммасидан қатъи назар, ёзма шаклда тузилиши шарт. Қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилмаслик ушбу кодекснинг 109-моддасида назарда тутилган оқибатларга олиб келади. Агар қарз олувчининг тилхати ёки унга қарз берувчи томонидан муайян сумма ёки муайян миқдордаги ашёлар топширилганлигини тасдиқлайдиган бошқа ҳужжат мавжуд бўлса, қарз шартномаси ёзма шаклда тузилган ҳисобланади. Агар қарз мажбурияти қарз олувчи томонидан берилган вексель, облигация ёки қарз суммасини ва қарз берувчининг уни ундириб олиш ҳуқуқини белгилайдиган бошқа қимматли қоғоз билан тасдиқланган бўлса, қарз шартномасининг ёзма шаклига риоя қилинган ҳисобланади.

Имтиёз борми?

– МЕН шифохонада стерилизация ҳамшираси бўлиб ишлайман. Заҳарли шароитда ишлаганим учун ойлик маошимга қўшимча тўланадими?

– Ўзбекистон Республикаси давлат муассасалари тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тартиби ва шартлари тўғрисидаги Низомда солиқ учун хавфли ва меҳнат шароитлари оғир бўлган, уларда ишлаш ходимларнинг тариф ставкасига (лавозим маошига) 15 фоиз миқдорда қўшимча тўлов белгилаш ҳуқуқини берадиган муассасалар, бўлинмалар рўйхати келтирилган. Мазкур бўлинма ва муассасалар рўйхатининг 1.20-бандига Марказлаштирилган стерилизация бўлими ходимлари ҳам киритилган. Шунга кўра, сизнинг ойлигингизга 15 фоиз миқдорда қўшимча тўлов тўланиши лозим.



Нодавлат ОТМнинг дипломи тан олинадими?

– Нодавлат таълим муассасалари томонидан берилган диплом ҳам Ўзбекистонда тан олинадими?

– “Таълим тўғрисида”ги Қонунга асосан нодавлат таълим ташкилотлари ўз фаолиятини лицензия асосида амалга оширади ҳамда лицензия талаблари ва шартларига мувофиқ таълим хизматлари кўрсатади. Мазкур қонуннинг 31-моддасига асосан, мустақил ишлаб чиқилган ва лицензияда кўрсатилган ўқув дастурлари бўйича таълим хизматлари кўрсатадиган нодавлат таълим ташкилотлари битирувчиларга Ўзбекистон Республикасида тан олинadиган таълим тўғрисидаги ҳужжатларни беради. Бундай ҳужжат мамлакатимизда маълум бир ойлик маош тўланадиган соҳада ишлаш ҳуқуқини беради.



**Дарсликлар,
дарсликлар...**

Хар ўқув йили бошланишида ўқувчилар, айниқса, уларнинг ота-оналари дарсликлар билан боғлиқ катта-кичик муаммоларга дуч келишади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Аниқроғи, дарсликларнинг ижара нархи нақ уч баробарга ошириб юборилгани ҳақи эътирозларни, муҳокама-ларни келтириб чиқарди.

Шундан сўнг мактаб дарсликлари ва машқ дафтарларининг ижара тўловлари миқдорлари кескин оширилиши муносабати билан кенг жамоатчилик, ота-оналар томонидан билдирилган эътирозлар юзасидан Президентга ахборот берилди. Натижада мактаб дарсликлари болаларнинг умумий ўрта таълим олишида фавқулодда муҳим ўрин тутушини ҳисобга олиб ҳамда мактаб ўқувчилари ва уларнинг ота-оналарини, қонуний вакилларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида давлатимиз раҳбари Вазирлар Маҳкамаси ва Халқ таълими вазирлигига мактаб дарсликлари ва машқ дафтарларини бепул ижарага беришни тезкор йўлга қўйиш бўйича топширик берди.

Яна бир гап. Айрим янги дарсликлар ўқувчилар қўлига етиб келмади. Ўқитувчи ва ўқувчилар бу дарсликларнинг электрон вариантдан фойдаланишмоқда. 10-синфда ўқийдиган фарзандим бор. Бир куни у янги "Алгебра" ва "Геометрия" дарсликларининг электрон нусхасини телеграмм рақамимга юбориб, ҳар биридан 10 тадан мавзунга қозоғга чоп эттириб беришимни илтимос қилди. Мен эса ҳайрон бўлиб, сабабини сўрадим. Шунда қизим "Устозимиз айтдилар, янги дарсликлар етиб келгунча электрон вариантдан фойдаланиб турар эканмиз" дея тушунтирди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилди: ҳўш, нима учун янги дарсликлар ўқув йили бошланишидан аввал нашрдан чиқариб, тайёрлаб қўйилмайди? Деярли ҳар йили такрорланадиган бу муаммо қачон барҳам топади?

**Кечиккан
қурилишлар**

Баъзан кечиккан мактаб бинолари қурилишлари ҳам киши дилини хира қилади. Айтайлик, капитал таъмир, капитал реконструкция ёки янги мактаб қурилиши учун ўтказилган тендер танловларида гоғлиб бўлган қурувчи ташкилоти озгини тўлдириб, август ойининг охирида бунёдкорлик ишларини якунлаш ва 1 сентябрда бинони фойдаланишга топширишга ваъда беради. Бунинг учун эса ҳатто аввалги ўқув йили якунланмай туриб – баҳор ойларида ўқувчиларни қўшни мактабларга кўчирилади. Мактаб-жармои – ўқитувчи ва ўқувчилар худди ини бузилган қушдек безовта, бесаранжом бўлиб, бошқа жойга кўчиб ўтади. Аммо қуюқ ваъдалар эсдан чиқиб, қурувчи белгиланган муддатни чўзиб юборади. Бундай вазиятда унинг баҳонаси тайёр: қурилиш-таъмирлаш учун ажратилган пул маблағи ўз вақтида молиялаштириб берилмаганини рўжак қилади. Ёхуд ўқув йилига санокли кунлар қолганда

Сўнгги йилларда мамлакатимиз таълим тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларни, ёшларнинг билим олиши, ўзи танлаган хунарнинг сир-асрорларини таълим тизимига унун яратилаётган шарт-шароитларни кузатар эканман, катта бобомнинг ўша гаплари ёдимга тушаверади.

Дарҳақиқат, юртбошимизнинг таълим тизимига, унинг барча бўғинини ривожлантиришга қаратаётган эътиборини ҳар қанча эътироф этсак оз. Мактабгача таълимда Жанубий Корея, мактаб таълимини ривожлантиришда Финландия тажрибасини қўллаш, республикаимизнинг барча ҳудудларида Президент мактабларини ташкил этиш, ўқувчиларни фан олимпиадалари ва олий ўқув юртиларига тайёрлашда Қорақўл мактаби тажрибаси, жойларда Қорақўл мактаби сингари ихтисослашган мактабларни ташкил этиш, олий ўқув юртиларига қабулнинг сезиларли даражада оширилиши сингари саногни тугамайдиган ижобий ўзгаришлар юз берди ва бераётир. Ўз навбатида, ёшларнинг, фарзандларимизнинг бундай юксак эътиборга нисбатан жавоби, амалга оширилаётган ислохотлар самараси секин-аста бўй кўрсатмоқда. Юртимиз вакилларининг халқро фан олимпиадалари ва танловлардаги кўзни қувонтирадиган натижалари шулар жумласидандир. Зеро, давлатимиз раҳбари наҳот таълимда эканлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Аммо соҳада ҳали ечимини кутаётган, киши дилини хира қиладиган муаммолар ҳам мавжудки, бундан асло кўз юмиб бўлмайди.



Онамнинг бобоси – оналарининг отаси бўларди. Ҳамқишлоқлар "Мулла Фозилбой бува" дея ҳурмат билан тилга олишарди. 9 ёшимда вафот этганлар. Ўша киши "Илмли – подшо, хунлари – вазир" нақлини бот-бот таъкидлашни хуш кўрарди. Бу пурҳикмат сўзлари билан ёшларни билим олиш ёки бирор касб-хунарнинг бошини туттишга даъват этардилар.

шошма-шошарлик билан ишни чала битиради. Қарабсизки, ё деворининг бирор қисми кўчиб тушади ёнки иситиш тизими яхши ишламайди.

Шу йилнинг 1 сентябрь куни бўлиб ўтган видеоселектор йиғилишида Президентимиз республикамиз бўйича 290 та мактабнинг қурилиш-таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилганини таъкидлаб, вилот ҳокимларини жиддий танқид остига олди.

**Репетиторнинг
ошиғи олчи(ми?)**

Чиндан ҳам шундайми? Репетиторсиз талаба бўлиш мумкин эмасми?

Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб бериши табиий. Сўнгги 10-15 йил мобайнида талаба-лик бахтига муяссар бўлаётган ёшларнинг аксарияти репетитор қўлида тайёрлангани боис шундай натижага эришмоқда. Фақатгина мактабда олган билими билан олий ўқув юртига кириш қийин кечмоқда абитуриент учун. Бироқ талаба бўлган ўғил-қизларимизнинг муваффақияти репетитор ёки ўқув марказларидан ҳам кўра мактаблар рейтингини юксалтирмоқда. Ваҳоланки, жорий йилда ОТМларга ҳужжат топширган абитуриентларнинг 550,102 нафари ёки 51,2 фоизга ўттиш балининг энг қуйи чеғараси бўлган 56,7 баллни ҳам тўллай олмаган. Бу ярмидан кўпми дегани! Ана энди мактабларимиздаги умумий аҳволни тасаввур қилиб кўраверинг.

Бундан икки йил аввал Президентимиз мактаб таълимига бағишланган видеоселекторларнинг бирида бундан буюн битирувчиларнинг олий ўқув юртига кириш даражасига қараб мактаблар фаолиятига баҳо берилиши, шунга биноан жарима ёхуд рағбатлантириш қўлланилишини таъкидлаган эди. Қачонки, ана шу тартиб ўрнатилмас экан, мактаблар маъмурияти, устоз-мураббийлар битирувчиларнинг ўқишга

**НАЖОТ ТАЪЛИМДА,
АММО...**

кириши борасидаги масъулиятни чукўр ҳис қилмайди.

Шу ўринда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Ҳар бир мактабда юқори синф ўқувчиларини (асосан 9, 10, 11-синф ўқувчиларини) олий ўқув юртиларига тайёрлайдиган репетиторлик, яъни тайёрлов курсларини ташкил этиш лозим. Бошқача айтганда, мактабларда Қорақўл тажрибасини қўллаш зарур. Бунинг учун эса ўз фани бўйича энг сара, тан олинган ўқитувчиларни ана шу курсларга жалб қилиш мақсадга мувофиқ. Шундагина кўзланган натижага эришиш мумкин.

**Имтиёзлардан барча
бирдек розими?**

Йўқ, албатта. Олий ўқув юртиларига кириш учун берилаётган имтиёзлар баъзан ҳақли эътирозларни келтириб чиқараётгани рост. Имтиёзлар асосан ҳарбий хизматчиларнинг фарзандлари, ноғиронлиги бўлган шахслар, "Меҳрибонлик уйи" битирувчилари, ҳарбий қисм қўмондонлиги ёки Хотин-қизлар қўмитасининг тавсияномасини қўлга киритган абитуриентларга берилмоқда. Оқибатда билими унчалик юқори бўлмаган, ҳатто тўлов-контракт шарти билан ўқишга кириш баллини ҳам тўллай олмаган ёшлар давлат гранти асосида талабалikka тавсия этилмоқда. Келинг, фикрларимнинг исботи тарикасида бир мисолга эътиборингизни қаратай. Масалан, бу йил пойтахт-миздаги нуфузли университетнинг 5 та йўналишига, қундузги таълим шаклига 68,1-70,3 балл оралиғидаги натижага эришган, ҳарбий хизматчининг фарзанди бўлган абитуриентлар ҳам давлат гранти асосида ўқишга кир-

ди. Аммо ана шу йўналишларда 183,5-187,9 балл тўплаган, имтиёзга эга бўлмаган ёшлар эса тўлов-контракт асосида талабалikka тавсия этилди. Эътибор беринг-а, уларнинг ўртасидаги тафовут салкам 3 баробар. Ёки шу йўналишларда 164,6-169 баллга эга бўлган абитуриентларга талабалик бахти насиб этмаган. Энг эътиборлиси, мазкур ОТМга умумий қабул параметрлари орқали (имтиёзга эга бўлмаганлар) бор-йўғи 20 нафар абитуриент-га давлат гранти асосида талабалик насиб этган бўлса, 145 ҳарбий хизматчининг фарзанди, 59 та хотин-қизлар қўмитаси тавсияномаси асосида, 6 та "Меҳрибонлик уйи" тарбияланувчиси, 13 та ноғиронлиги бўлган абитуриент, 1 та ИИВ ва 1 та боғжона ходими фарзанди (жами 225 та) кўшимча давлат гранти асосида қабул қилинган. Энди ўзингиз йўланг, бу ҳолатларни адолатли вазият деб бўладими?

ТТЖлар муаммоси

Хар ўқув йили бошланди дегунча талабалар турар жой муаммосига дуч келишади. Талабалар имкон қадар ётоқхонадан жой олиш ҳаракатига тушишади. Негаки, ётоқхона ижара уйларга нисбатан анча арзон. Бундай пайтда уйини ижарага бермоқчи бўлган ҳамюртларимиз нархни осмонга чиқариб олишади. Нархи ҳам майлику-я, аксарият хонадон соҳиблари талабаларни ёки йигитларни ижарага қўйгиси келмайди. Оқибатда бир хонали, 2-3 киши яшайи мумкин бўлган ижара уйда баъзан 5-6 киши тиқилинч ҳолатда яшашга ҳам мажбур.

Бу йил ҳам шундай бўлди. Ётоқхоналар асосан "Темир


дафтар", "Аёллар дафтари", "Ёшлар дафтари"да турган, ота-онасидан бири ноғирон ёхуд отаси вафот этган талабаларга, қолаверса, кўпроқ қизларга берилди. Қолганлар эса қариндош-уруғиникига, қиммат бўлса ҳам ижара уйларга жойлашди. Ҳамон жой излаб юрганлари ҳам бор.

Кези келганда шуни эътироф этиш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимлигининг ҳамкорлиги туфайли пойтахт-тимизнинг Сергели туманида жойлашган "Tashkent Index" мажмуасидан талабалар учун 10 минг ўринли жой ҳозирланмоқда. Бу ҳам бўлса бошлангис талабаларнинг турар жой муаммосини ҳал этишга хизмат қилади. Тўғри, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан олий ўқув юртиларига қабул аввалги 9-10 фоиздан 25 фоизга кўтарилди. Бу кўрсаткични секин-аста 50 фоизга етказиш режалаштирилган. Бироқ шунга яраша олий ўқув юртиларига ҳали ётоқхоналар етарли даражада қурилгани йўқ. Шундай экан, қурилиш ишларини жадаллаштириш зарур. Аксинча, талабаларнинг турар жойга бўлган эҳтиёжи ортса ортадики, камаймайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мазкур муқола-мизда тилга олинган, ечимини кутаётган муаммо ва масалалар ўз ўрнида ҳал этилса, нур устига авло нур бўларди. Зеро, ҳар жиҳатдан мукамал ва тўлақонли билим олиш ёшларимизни комиллик сари элтади.

**Хуришд СУЛТОНОВ,
"Инсон ва қонун" мухбири**

УСТОЗ отадек улғ дейдилар. Аммо ҳаммага ҳам бундай эмас экан-да... Хунарли киши хор бўлмайди, лекин хунар ўрганиш ҳаммининг ҳам қўлидан келавермас экан. Қўли гул уста Толибжоннинг (исм-шарифлар ўзгартирилган) "Аудио-видео" аппаратлари таъмирлайдиган устaxonаси бор. Санжар исмли йигитча унга шогирд тушмоқчилигини айтиб, Толибжоннинг ишончига кирди. Шогирд йигит бошида устaxonада у-бу ишга кўмаклашиб ҳам юрди. Аслида Санжар бу масканга хунар ўрганиш учун эмас, қинғир хаёли билан бошқа бир мақсадни кўзлаб келганди. Толибжондек ҳалол меҳнат билан кун бўйи устaxonада ўтириб ишлашга унинг бўйни ёр бермасди ҳам.



ЎҒРИ ШОГИРД

Бир кун DVD плеерни тузатиб берган шогирд устозидан бунинг учун 60 минг сўм ҳақ сўради. Толибжон мижозга бу нарх тўғри келмаслигини айтиб, унга иш ҳақи учун 25 минг сўм берди. Шогирд бундан ранжиди. Уша кунни у аламазда бўлди.

Толибжон уйига кетган маҳалда устaxonа ёнидан пиво ичиб ўтиб кетаётган Санжар бу ерда ҳеч ким йўқлигини кўриб, аввал устaxonанинг чирогини ўчирди, кейин лампочкани синдириб ташлади. Аламазда йигит устaxonанинг ўнг томони деворини тегиб, йиқитди, кейин тешик девор орқали ичкарига кирди. 2 дона монитор, 2 дона DVD плеер, бир дона автотрансформатор, бир дона генератор, бир дона тестрни олиб, пакетга жойлаштириб, қочиб қолишни режалаштирган маҳал унинг режалари барбод бўлди. Йигитчанинг хатти-ҳаракатларини нарироқда кузатиб турган киши дарров милиция ходимини чақирган экан, ўғри шогирд қўлга тушди.

Ўғирлик содир бўлганидан хабар топиб, устaxonага шошилганича етиб келган Толибжон не кўз билан кўрсинки, ўғри унинг шогирди Санжар эди. Афсусланарлиси, у чин дилдан ўзи билган хунар сирларини унга ўргатмоқчи эди. Таажжубки, ундан иш ўрганиб юрган йигит ўғри шогирд бўлиб чиқди.

Жиноятга жазо муқаррар, албатта. Мазкур ҳолат бўйича жиноий иш очилди. Яқинда Жиноят ишлари бўйича туман судида Санжар Тўраевга тегишли жиноий иш кўрилди.

Суд мажлисида Санжар барчасини бирма-бир айтиб берди. Жабрланувчидан кечирим сўраб, айбини тан олди. Қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон бўлганлигини айтиб, суддан энгиллик сўради.

Суд тергов ҳаракатлари давомида аниқланган далилларга асосланиб, С.Тўраевга нисбатан ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ўшлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланди.

Мазкур жиноий ҳолатни изоҳлашга ҳожат йўқ, назаримда. Хулоса ҳар кимнинг ҳўқмига ҳавола. Мўҳими, бу каби жиноий ишлар ҳар биримизни ҳўшёрликка чорлаши зарур. Уй-лайимизки, юқоридаги каби жазо турлари Санжар сингари ёшларимизни аста-секин бўлса-да, соғлом ҳаётга қайтаради. Бу жараёнда тўғри йўл кўрсатиш эса, биз – катталарнинг вазифамиздир.

Гулбаҳор ОРТИҚҲЎЖАЕВА,
"Инсон ва қонун" муҳбири



Шаҳарда кетма-кет содир бўлаётган ўғирлик жиноятида асосан қўл телефонларининг сирли ғойиб бўлаётганлигидан хабарлар тушарди. Жумладан, Фаргона шаҳар, "Деҳқон бозори" АЖ ҳудудида бозорлик қилиб юрган фўқаро Ю.Жўраевнинг чўнтагида бўлган қўл телефони бир зумда ғойиб бўлиб қолади. Одам кўп, бозор тиқилинч жой. Бундай жойлар киссавур учун айна мўддао бўлган "иш жойи" ҳисобланади.

Худди шунингдек, яна бир жабрланувчи У.Шарипов ўртоғи Коля билан Яшнобод тумани "Уш" кўчаси бўйлаб оқиб ўтувчи Қорасув канали олдида спорт машғулотлари билан шўғулланишаркан, қизиган таналарини бироз совутиш мақсадида каналда чўмилимоқчи бўлишди. Ўриндик устидаги кийимлари остига қўл телефонларини қўйиб чўмилгани тушиб кетган йигитлар қайтиб чиқиб "шок"ка тушишди. Албатта-да, уларнинг телефон аппаратлари нақд 4 миллион сўмлик қимматга эга ашёлар эди.

Шу зайл оз эмас 16 кишини чўв туширган телефон ўғриси қарийб 40 миллион сўмлик қийматга эга бўлган телефон аппаратларини ўмариб, арзон-гаров пуллаб талон-торож қилиб юраверган. У – мўқаддам бир неча маротаба судланган фўқаро Д.Собиров (исм-шарифлари ўзгартирилган) эди.

Суд залидаги суқунатни судьянинг дадил овози бузди. Суд ҳўқми билан Й.Камолов (исм-шарифлар ўзгартирилган) жиноят содир этганликда айбли деб топилди. Унга 1 йил мўддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.



Масъул лавозимда ишлаб келаётган, олий маълумотли Йўлдошни нима жин ўрди-ю, нафси ҳакалак отиб, йўлдан озди. Хизмат вазифасида ҳалоллик мўҳимлигини ҳам унутиб, қинғирликка ўтишни ор билмади. Охир-оқибат судланиб, озодликдан маҳрум этилиб ўтирибди. Энди ўйлаб қараса, ўша ишида ҳалол-покиза ишлаб, элнинг дуосини олиб юрган кунлари қандай хотир-жам ашаган экан...

"ҚўЛИ эгрининг феъли эгри", дейишди. Ҳар гал пушаймонлик, ота-онаси, фарзандлари, оиласи ҳаққи-ҳўрматини пеш қилиб кечирим сўраб, ялиниб-ёлвориб яна тавбасига таянмадимми, демак, бу инсоннинг феълени ижобий баҳолаш мушқул. Унга ишониш ҳам анчайин қийин.

ҚИРҚДАН ЎТГАН "ҚАРОҚЧИ"


Юқоридагилардан ташқари, Д.Собиров ўзининг уяли алоқа воситаси орқали интернетнинг "Olx.uz" ижтимоий тармоғида турли мебеллар ясаши ҳақида эълон бериб Яқкасарой туманида яшовчи С.Исаеванинг ишончига кириб, унинг ити учун уйча ясаб беришга келишди. Олдиндан 450 минг сўм аванс пулини олиб, ит уйчасининг чизмасини чизиб, унга ҳақиқатан ҳам шу уйчани ясаб бериш учун 450 минг сўм олганлиги ҳақида тилхат ёзиб бериб, шу билан ғойиб бўлади.

"Жўрабек" маҳалласида олиб борилаётган қурилишда эса Дилёрнинг қилмиши фўш бўлиб қолади. Яъни, Д.Собиров шу ерда ишлаётган А.Жобировнинг уяли телефони ўғирлайди. Аввалига тан олмаган Дилёр кўпчиликнинг йиғилиб кетишидан чўчиб, телефонни яширган жойидан топиб беради ва шерикларининг нима учун бундай қилдинг, деган саволларига "ичмасам туролмайман, ароқ сотиб олмоқчийдим", дея жавоб беради.

"ЧОЙ ИЧИШ, ҚИММАТГА ТУШДИ

Унинг туманда обрўси баланд эди. Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлими бошлиғи ўринбосари лавозимида ишларди. Лекин мансабдор шахс бўла туриб, лавозим мажбуриятларига кўра, унга туман ва шаҳарларда субсидия тўланадиган талабгорларни танлаб олиш бўйича комиссия котиблиги юклатилган бўлса-да, ўзининг хизмат мавқеидан фарз ва паст ниятларда фойдаланиш йўлига кирди. Й.Камолов фўқаро З.Юсуповага уй-жой сотиб олиш учун субсидия тақдим этиш тўғрисидаги хабарнома бериш эвазига унинг қариндоши Қ.Юсуповга Термиз туманида жойлашган "Эко туризм" кафесига 1 миллион 400 минг сўм қарздорлигини тўлаб қўйишини айтди. Қаранг-а, унинг пора олиш усулини!

Қ.Юсупов эса, бу қинғир ишни қилгиси келмай, тегишли идораларга хабар берди-қўйди. Қобил шу емакxонада ишловчи А.Соатовга айтилган пуллари бераётган вақтида ҳўқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари



Буни қарангки, тергов жараёнида унинг бошқа қилмишлари ҳам фўш бўлади. Суд Д.Собировга ҳўқм чиқаришда унинг барча кирдикорлари билан бир қаторда оилавий шароити, яна чин дилдан пушаймонлигини инобатга олди, албатта. Унга мўқаддам тайинланган жазонинг ўталмай қолган қисмини тўлиқ қўшиш йўли билан жарима ҳамда 6 йил мўддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Абдурасул МИНОЖИДДИНОВ,
жиноят ишлари бўйича Фаргона
шаҳар суди судьяси

томонидан ашёвий далиллар билан уловди.

Судланувчи судда айбига қисман иқрорлик билдириб, туманда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимида икки йилдан бўён бўлим бошлиғи ўринбосари лавозимида ишлаганлиги, одатий иш кўнларининг бирида Қ.Юсупов хизмат хонасига келиб, янгасининг номига уй сотиб олиш учун субсидияга ҳўжжат топширганлигини айтганини, мурожаат натижасини сўраганида у туман бўйича уйлар сони чегараланганлиги, ўзидан олдин 15 нафар фўқаронинг ҳўжжатлари келиб тушганлигини айтганини эсга олди. Қобилга субсидия ажратиш тартибини тушунтириганидан кейин у хизмат хонасидан чиқиб кетганлиги, шу кунни бу фўқарога 3 йилдан бўён субсидия ажратилмаётганлигини билганлиги ва топширилган ҳўжжатларни ўрганганлигини айтди. Судланувчи фўқаронинг тегишли баллари тўғри келганлиги сабабли унга субсидия ажратиш бўйича баённома расмийлаштирилганлиги, Қобил бошқа кунни ҳаммаси билан хонасига кириб келганлиги ҳақида ҳам гапирди. Баённомага комиссия раиси имзо қўйиб берса, субсидия ажратишини айтганда Қобил хўрсанд бўлиб, "чой ичамизи" деб айтганлигини, у бу иш жиноят деб баҳолаганини билмаганини такрорлади. Бу ишдан пушаймонлигини айтиб, суддан энгиллик сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувлари ҳам тингланди. Субсидия масаласида олғирлик қилмоқчи бўлган судланувчига тегишли тартибда жазо тайинланди.

Одилбек БЕГИМҚУЛОВ,
жиноят ишлари бўйича Термиз
туман суди раиси

“SHAYANA FARM” масъулияти чекланган жамияти учинчи шахслар томонидан жамиятнинг товар белгисига адаштириб юбориш даражасида ўхшаш бўлган белгилардан ноқонуний равишда фойдаланилаётганлигини билдириб, Андижон вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.



АНДИЖОНДА КОНТРАФАКТ ДОРИ ВОСИТАСИ ишлаб чиқарилиши тўхтатилди

Ўрганиш давомида мурожаатда келтирилган ваҳлар ўз тасдиғини топди. Ҳақиқатан ҳам Андижон туманида фаолият юритувчи “М. Л” МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилаётган дори воситаси “Qurep/Кюпен” товар белгисига тасвирий ҳамда график жиҳатдан истеъмоличини адаштириб юбориш даражасида ўхшашлиги аниқланди.

Бу эса ушбу махсулотлар, товарлар ва хизматлар халқаро классификациясининг айнан бир синфига мансублиги жиҳатидан истеъмоличини жалғатишга олиб келади. “Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 27-моддаси учинчи қисмига асосан товар белгисидан ёки адаштириб юбориш даражасида у билан ўхшаш бўлган белгидан товарларда, товарларнинг этикеткаларида, ўрволарида қонунга зид равишда фойдаланилганда улар контрафакт ҳисобланади.

Қонуннинг 26-моддасига биноан эса, товар белгисининг эгаси товар белгисидан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш мутлақ ҳуқуқига эга ҳисобланиб, товар белгисини ёки шу белги билан белгиланган товарни рухсат берилмаган тарзда тайёрлаш, қўллаш, олиб кириш, савдога таклиф этиш, сотиш, ўзгача тарзда фуқаролик муомаласига киритиш товар белгисига доир мутлақ ҳуқуқни бузиш деб эътироф этилади.

Ҳолат юзасидан “М.Л” МЧЖга нисбатан ўзганинг товар белгиси бўлган ва муҳофаза қилинаётган белгига ўхшаш “Кюфем Плюс” сўзли товар белгидан ноқонуний фойдаланишни тўхтатиш юзасидан адлия бошқармаси томонидан тақдимнома ҳуқуқий тасвир чораси қўлланилиб, ушбу ҳуқуқбузарлик бартароф этилди ва контрафакт дори воситаси ишлаб чиқарилиши тўхтатилди.

Муроджон ЖАЛОДИНОВ,
Андижон вилоят адлия бошқармаси
масъул ходими

Прокурор, юқори турувчи прокурор фақат прокурор иштирокида кўрилган иш бўйича, шунингдек тарафларнинг мурожаати мавҳуд бўлган тақдирда биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция протести келтиришга ҳақли.

Апелляция шикоятлари (протестлари) қайси суд инстанцияси томонидан кўриб чиқилиши ҳам белгиланган бўлиб, бунда туманлараро, туман (шаҳар) иқтисодий судларининг ҳал қилув қарорлари устидан вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларнинг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан, вилоятлар ва унга тенглаштирилган судларнинг ҳал қилув қарорлари ва Олий суднинг ҳал қилув қарорлари устидан берилганда – Олий суднинг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъати томонидан кўрилади.

Бир ҳолатга алоҳида эътибор қаратиш лозимки, апелляция шикояти (протести) апелляция инстанцияси суди номига йўллансада, ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилиши лозим.

Лекин айрим ҳолатларда амалиётда апелляция шикоятларини тўғридан-тўғри апелляция инстанцияси судига берилаётганлиги ҳолатларини кўплаб учратиш мумкин.

Амалдаги Иқтисодий процессуал кодекси талабларига кўра, бундай тартибга амал қилинмаган ҳолда тақдим этилган апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий судни четлаб ўтган ҳолда юборилганлиги сабабли судья томонидан қайтарилиши белгиланган.

Биргина Бўҳоро вилояти иқтисодий судларидаги статистик маълумотларни олиб кўрсатиб, бундай

ИШДА иштирок этувчи шахслар, шунингдек, ишда иштирок этишга жалб қилинмаган, аммо ҳуқуқлари ва мажбуриятлари тўғрисида суд ҳал қилув қарори қабул қилган шахслар биринчи инстанция судининг қонуний кучга кирмаган ҳал қилув қарори устидан апелляция шикояти беришга ҳақли эканлиги қонун билан мустақамланган.

АПЕЛЛЯЦИЯ ШИКОЯТИ нега ишни кўрган судга тақдим этилиши керак?



асос билан қайтарилган апелляция шикоятлари 2020 йил 1 тани ва 2021 йилда 2 тани ташкил этган бўлса, 2022 йилнинг ўтган 9 ойи давомида 9 тани ташкил этган.

Бу каби ҳолат ушбу тадбиркорлик субъектларини ортиқча овора бўлишига олиб келган, десак муболаға бўлмайди. Айрим ҳолатда эса апелляция шикоятини беришни муддати ўтиб кетиб қолишига ҳам олиб келиши мумкин.

Ҳўш, мисол учун апелляция шикояти бевосита вилоят судига тегишли туманлараро иқтисодий судни четлаб ўтган ҳолда келиб тушди. Вилоят суди ўзининг тизимида бўлган туманлараро иқтисодий судидан иқтисодий иш ҳужжатларини талаб қилиб олишга ҳаққи борми? Бор, албатта.

Шў ўринда ИПК қоидаларига кўра, кассация шикояти тўғридан-тўғри кассация инстанцияси суди (мас. Олий судга) берилади, Олий суд судьяси кассация шикояти бўйича тегишли иқтисодий ишни талаб қилиб олишга ҳақли. Фикримизча, худди шундай қоида-

ни апелляция институтига ҳам татбиқ этиш, апелляция шикояти (протести) ҳал қилув қарорини қабул қилган иқтисодий судни четлаб ўтган ҳолда юборилганлиги сабабли судья томонидан қайтарилиши тўғрисидаги қоида чикариб ташлаш ва вилоят суди судьясини апелляция шикояти бўйича тегишли иқтисодий ишни талаб қилиб олишга ҳақли эканлиги тўғрисидаги қоида киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Иккинчи вариант, кассация инстанциясида бўлгани каби апелляция шикоятини фақат тўғридан-тўғри апелляция инстанцияси судига тақдим этилиши, вилоят суди апелляция шикояти бўйича тегишли иқтисодий ишни талаб қилиб олиши, ҳал қилув қарорини қабул қилган суд иш ҳужжатларини апелляция инстанцияси судига юбориши шартлиги тўғрисида қоидалар киритилиши таклиф этилади.

Салимжон АБДУРАСУЛОВ,
Бўҳоро вилоят суди раиси
ўринбасари



“УМУРБОБО”НИНГ ҲАҚИ УНДИРИЛДИ

ГАРЧИ, мулк дахлсизлиги ҳақида кўп гапирилаётган бўлса-да, “снос” қилинган хусусий мулк объектлари учун тўланмаган компенсация пуллари муаммолигича қолмоқда.

Мисол учун, Когон туманидаги “Умурбобо” хусусий корхонаси раҳбари туман адлия бўлимига мурожаат қилиб, мулк ҳуқуқи асосида корхонага тегишли бўлган умумий ер майдони 1,50 гектар, шундан 0,11 гектар қурилиш ости савдо дўкони ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари 2017 йилда бузилган бўлса-да, бугунги кунга қадар компенсация тўловлари тўлаб берилмаганлигини билдирган.

Туман адлия бўлими томонидан ушбу мурожаат ўрганилиб, хусусий корхонага тегишли бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш бинолари ҳамда олиб қўйилган ер майдони учун компенсация ундириш ҳақида Когон туманлараро иқтисодий судига даъво аризаси киритилди. Суднинг ҳал қилув қарори билан даъво аризаси тўлиқ қаноатлантирилиб, Когон туман ҳокимлигидан даъвогар “Умурбобо” хусусий корхонаси фойдасига бузилган савдо биноси учун 456 миллион 494 минг 678 сўм, олиб қўйилган ер майдони учун 117 миллион 899 минг 972 сўм компенсация тўловлари ҳамда 3 миллион 201 минг 930 сўм суд экспертиза харажатлари жами 580 миллион 798 минг 510 сўм ундириш белгиланди. “Умурбобо” хусусий корхонасининг мулк дахлсизлиги билан боғлиқ 4 йиллик муаммоси ижобий ҳал бўлди.

Улўғбек ТЎХТАЕВ,
Когон туман адлия бўлими бошлиғи

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 15-sentyabrda 185-um-sonli buyrug'iga asosan, talabgor Mamaraximov Zafar Mamatkulovichga "Iqtisodiy va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoyi" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000171-sonli litsenziya rasmiylashtirilib berilganligi ma'lum qilinadi.

Е'ЛОНЛАР

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 16-sentyabrda 188-um-sonli buyrug'iga asosan, advokat Kamolov Sarvarjon Usmonqul o'g'liga 2020-yil 30-iyunda berilgan GZ 000127-sonli litsen-

ziyaning amal qilishi va advokatlik maqomi 2022-yil 17-sentyabr kunidan tiklanganligi ma'lum qilinadi.

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 15-sentyabrda 187-um-sonli buyrug'iga asosan, advokat Turabekov Alisher Tursonovich "KAFOLAT" advokatlar hay'atiga ishga qabul qilinganligi munosabati bilan unga 166-sonli advokatlik guvohnomasi berilganligi ma'lum qilinadi.

Jizzax viloyat adliya boshqarmasining 2022-yil 16-sentyabrda 189-um-sonli buyrug'iga asosan, talabgor Asilov Dilshod Buyukovichga "Iqtisodiy

va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoyi" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000173-sonli litsenziya;

Talabgor Xakimov Jaxongir Uralovichga "Iqtisodiy va fuqarolik", "Ma'muriy va jinoyi" sud ishlarini yuritish ixtisosliklari bo'yicha advokatlik faoliyati bilan shug'ullanish huquqini beruvchi GZ-000172-sonli litsenziya berilganligi ma'lum qilinadi.

Abdulaziz Abdusamad o'g'li Abdullaxilovga Toshkent soliq kolleji tomonidan berilgan №5753326 sonli diplom ilovasi yo'qolganligi sababli bekor qilindi.

☉ Давоми. Бошланиши 1-бетда

Қонунларга эмас, асосан, қонуности ҳужжатларига таяниш нафақат ҳуқуқни қўллаш амалиётини мураккаблаштиради, балки коррупция учун қулай шароит яратиб, турли давлат органларига уларни ўз хоҳишларига қараб талқин қилиш имконини ҳам беради.

Вазирлик ва идоралар томонидан тайёрланган баъзи қонун лойиҳаларида аксар ҳолларда тор идоравий манфаатлар устуллик қилади. Уларда нормаларни амалга оширишнинг аниқ ҳуқуқий механизмлари мавжуд эмас.

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясига кўра, идоравий норматив ҳужжатлар қабул қилиш тажрибасидан босқичма-босқич воз кечиш назарда тутилган. Унинг ўрнига қўшимча тушунтиришларсиз ва ҳаволаки нормаларсиз тўғридан-тўғри таъсир қиладиган қонунлар қабул қилиш бугунги кунда зарурат касб этмоқда.



Бизга тўғридан-тўғри амал қиладиган қонунлар керак!

Таҳлиллар шунини кўрсатмоқдаки, бугунга қадар қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг атиги 4,6 фоизини қонунлар ташкил қилмоқда. Айтиш мумкин, тўғридан-тўғри ишлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича самарали ишлар олиб борилаётганига қарамай, қонуности ҳужжатларининг салмоғи камаймаяпти.

Миллий қонунчилик базасини қонуности ҳужжатлари, айниқса, идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳисобига салмоғи ортанглиги "Тўғридан-тўғри амал қилинувчи қонунларни тайёрлаш" методикасини яратиш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Шунинг учун ҳам "Тўғридан-тўғри амал қилинувчи қонунларни тайёрлаш" методикасини ишлаб чиқишимиз зарур.

Бунинг учун эса, аввало, қонун қабул қилинганидан сўнг, унинг ижросини таъминлаш учун бир-бирига зид, айрим бошқарув соҳаларининг манфаатларини ёқловчи қонуности ҳужжатлар ва йўриқномалар пайдо бўлмаслиги ҳамда уларга эҳтиёж туғилмаслиги лозим. Шу сабабли қонуннинг ижро механизмлари ҳаволаки нормалар орқали қонуности ҳужжатларида эмас, қонуннинг ўзида ифода этилиши мақсадга мувофиқ.

Бундан ташқари, суд ва давлат идораларида фуқаролар ва тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бевоҳида қонунчилик нормаларида белгилаш ҳамда уларнинг бир нечта қонуности ҳужжатлари эмас, тегишли қонун нормаларига таяна олишларини таъминлашни назарда тутувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш зарур.

Шунингдек, идоравий ҳужжатлар билан қонунларнинг ишлаш механизминини белгилаш, яъни қонунни ҳаракатга келтириш усулидан воз кечиш бўйича аниқ ҳуқуқий тартиб-таомиллар ишлаб чиқиш лозим.

Ушбу методика орқали қонун қабул қилинганидан кейин унинг ижросини таъминлаш учун бир-бирига зид, айрим бошқарув соҳаларининг манфаатларини ёқловчи қонуности ҳужжатлари пайдо бўлмайди. Қонуннинг ижро механизмлари ҳаволаки нормалар орқали қонуности ҳужжатларида эмас, қонуннинг ўзида этилади. Шунингдек, фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари бир нечта қонуности ҳужжатлари эмас, айнан аниқ нормаларга таяна олишларини таъминлашга имкон яратилади.

Азизжон Хўжаназаров,
 Тошкент давлат юридик университети катта ўқитувчиси

☐ **СЎНГИ йилларда адлия тизимининг аҳоли билан мулоқоти тубдан ўзгарди. Халқ билан яқиндан мулоқот қилишнинг янги, замонавий ва таъсирчан шакллари амалиётга татбиқ этилди. Айниқса, ҳуқуқий тарғиботни кучайтириш орқали фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш, қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва уларнинг мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш баробарида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда.**

Хусусан, бу борада Самарқанд вилоят адлия бошқармаси ўзига хос концептуал йўналишига эга. Япония Адлия вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик департаменти ҳамда Тадқиқот ва тренинг институти директори Наито Синтаро бошчилигидаги делегация аъзолари ҳам Бош прокуратура академияси ходимлари билан айнан ҳуқуқий тарғибот соҳасида Самарқанд вилоят адлия бошқармаси тажрибаси, жумладан, мазкур йўналишда маҳаллабай асосида қилинаётган ишлар, эришилаётган натижалар кўлами билан танишиш мақсадида бошқармамизга ташриф буюришди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикасининг "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунини амалиётга татбиқ қилиш юзасидан махсус кўлланма тайёрлаш бўйича қилинаётган ишлар, ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, тажриба алмашишга қаратилган тадбирларни йўлга қўйиш муҳокама марказида бўлди.

– Бошқармамиз томонидан вилоятдаги 11 та давлат органлари ва ташкилотлари билан "Йўл харитаси" ишлаб чиқилган, – дея таъкидлади адлия бошқармаси бошлиғи С.Нуриев. – Ҳуқуқий тарғибот тадбирларининг амалга оширилишида асосан ёшлар ва иш билан банд бўлмаган фуқаролар қамраб олинишига эътибор қаратилган. Шунингдек, 1 минг 126 та маҳаллага 344 нафар адлия тизими ходимлари ва хусусий амалиёт билан шугullanувчи нотариуслар бириктирилди.

Очик мулоқот тарзида бўлиб ўтган учрашувда кун чиқар мамлакат вакиллари ўзларини бошқарма томонидан маҳаллабай асосида амалга оширилаётган ҳуқуқий тарғибот ишлари жараёни, уларни амалиётга татбиқ этиш механизми, самарадорлиги қизиқтираётганлигини маълум қилишди. Шунга мувофиқ, бошқарма бошлиғи биринчи ўринбосари О.Шодиқулов маҳаллабай асосидаги тарғибот тадбирлари ҳақида тақдимот ўтказди.



японияликлар томонидан эътироф этилди



ёрдам кўрсатишга эътибор қаратилган.

О.Шодиқуловнинг таъкидлашича, ўтган даврдаги 266 та жиноятнинг 93 таси фирибгарлик жинояти билан боғлиқ. Шу сабабли содир этилган жиноятлар таҳлилидан келиб чиққан ҳолда фирибгарлик жиноятлари юзасидан ҳам тарғибот тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунгача бошқарма томонидан қарийб 30 мингга яқин ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди. Бунда "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" ва "Ёшлар дафтари"да рўйхатда турувчи фуқароларга ҳам ҳуқуқий

ёрдам кўрсатишга эътибор қаратилган. Маълумот ўрнида, Адлия вазирлиги Япония томони билан ҳамкорликда 2017 йилдан бери қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда. 2019 йил 13 мартда икки давлат адлия вазирликлари ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган. Унга асосан, япониялик мутахассислар билан ҳамкорликда Адлия вазирлиги ва бошқа ташкилотлар вакиллари билан иборат бўлган ишчи гуруҳ томонидан юқорида тилга олинган кўлланмани ишлаб чиқиш бўйича ишлар бошланган. Бу галги делегация ташрифидан мақсад ҳам 2017 йилда бошланган



Ўзбекистон Республикаси "Маъмурий тартиб-таомиллар тўғрисида"ги қонунни амалиётда татбиқ қилиш юзасидан махсус кўлланма тайёрлаш бўйича қўшма лойиҳаси

доирасида Адлия вазирлиги, Бош прокуратура Академияси, Олий суд, Судьялар олий мактаби ва Тошкент давлат юридик университети мутахассислари иштирокидаги ишчи гуруҳ билан амалий семинарлар ўтказиш, фикр ва мулоҳазалар алмашишга қаратилган.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси Ахборот хизмати